

Динга жафочи бўлиш сабаблари

00:00 / 02.03.2017 3596

Динга жафочи бўлиш сабаблари

Ҳозиргача динга жафочи, нуқсонга йўл қўювчи, камчилик келтирувчи каби номлар билан атаб келаётганимиз тоифани бугунги кунда арабчасига кўпроқ «тафрит» сўздан олиб, «муфаррит» деб атайдилар. Бу сўз арабларда бир ишда камчиликка йўл қўйиб, уни зое қилишни, ожизликни англатади.

Машҳур фикҳ луғати китобларидан бири - «**Мисбоҳул мунийр**»да **диндаги тафритни: «У дин ҳукмларида камчиликка йўл қўйиш, унинг ҳақларини зое қилиш ва унинг вожибларини адо этишда ожизликни изҳор қилиш»** деб таърифланган.

Тафритнинг юзага келишига ақийда тақозо қилган нарсаларда камчиликка йўл қўйиш, диний ҳукмларни зое қилиш, ожизликни кўрсатиш, диний ҳукмларнинг ҳикмати ва ғояларига нисбатан ёмон гумонда бўлиш каби ишлар сабаб бўлади. Уламоларимиз тафритнинг бир неча сабабларини санаб, баён қилиб ўтганлар. Шулардан баъзиларини келтирамиз:

1. Дангасалик.

Дангасалик ҳар бир нарсада яхшиликка олиб бормаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо у бошқа нарсалардан кўра динда катта зарарга сабаб бўлишини яхши билишимиз лозим. Дангаса одам динда келган амрларни бажармасдан ёки уларда нуқсонга йўл қўйиш орқали ўзига ҳам, элу юрти ва ватанига ҳам кўплаб зарар келтиради.

Имом Аҳмад, Термизий, Ибн Можа, Ҳокимлар Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан қилишган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ожиз - ҳавойи нафсига берилган ва Аллоҳдан турли умидларни қилган одамдир», деганлар.

Ҳавойи нафсининг кўйига кириб, дангасалик дардига дучор бўлган мазкур кимсалар диний мажбуриятни бажаришдан четда турганликлари борасида

«Ҳали вақт бор», «Тавба қилса, кечирилар экан», «Биз ҳам ният қилиб юрибмиз» каби турли баҳоналарни тўқийдилар.

2. Шаҳватларга берилиш.

Бандани диний вазифаларни тўлиқ бажаришдан тўсадиган омиллардан бири шаҳватларга берилишдир. Банда шаҳватларга рухсат берилганидан кўра кўпроқ бериладиган бўлса, диний вазифаларни бажаришда нуқсонга йўл қўйиши турган гап.

3. Ёмон одамларга қўшилиш ва уларни дўст тутиш.

Ёмон кишилар билан бирга бўлиш ва уларнинг гапига қулоқ олиш ҳам бандани диндан узоқлаштирадиган ишлардан биридир. Чунки ёмон одам доимо ёмонликка бошлайди. Бу ҳақиқатни барча яхши билади.

4. Динни билмаслик.

Динда нуқсонга йўл қўйишнинг боисларидан бири динни билмаслик ёки чала билишдир. Исломни билмаган одам қандай қилиб унга амал қилиши мумкин? Исломий таълимотларни кераклича ўрганмаган одам ўзи ҳам адашиши, ўзгаларни ҳам адаштириши ҳеч гап эмас.

Зотан, Али розияллоҳу анҳу: **«Жоҳилни фақатгина ҳаддан ошувчи ёки нуқсонга йўл қўювчи ҳолда кўриладир»**, деганлар.

Динда нуқсонга йўл қўйиш ёки ҳаддан ошишнинг оқибатлари жуда ҳам ёмон. У турли бузуқликларга, ҳаром-харишларга, зарар ва офатларга, охири бориб, у дунё ва бу дунёнинг барбод бўлишига сабаб бўлади.

Мусулмон халқлар мустамлака асоратида қолган пайтда айнан шу дардга – динда нуқсонга йўл қўйиш ёки унда ҳаддан ошиш, динни эҳтиром қилмаслик дардига мубтало бўлган эдилар. Аста-секин мустамлакадан озод бўлиб, мустақилликка эришганларида, уламоларнинг ҳаракатлари билан ўз динларининг моҳиятларини тушуниб етиб, унга ихлос билан амал қила бошладилар. Бизда ҳам худди шу жараён бошдан ўтди ва ўтмоқда.

Ҳозирги кунда олиб борилаётган диний таълимлар, ваъз-насихатлар, кўрсатув ва суҳбатлар, китоб ва нашрларнинг ҳаммаси шу масалага қаратилган десак, муболаға қилмаган бўламиз. Шунинг учун бу масалага

батафсил тўхталмай, ҳаммани ташвишга солиб турган муаммога эътибор қаратамиз.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (Васатия- ҳаёт йўли китобидан)